




“Тасдиқлайман”  
Қашқадарё вилоят ҳокимининг  
биричи ўринбосари  
  
Х.Джўраев  
“ ” \_\_\_\_\_ 2017 й.

“Тасдиқлайман”  
Ўзбекистон шахмат федерацияси  
Президенти  
  
У.Инояттов  
“ ” \_\_\_\_\_ 2017 й.

“Тасдиқлайман”  
Қашқадарё вилоят Жисмоний тарбия  
ва спорт бўшқармаси  
бошлиғи  
  
С.Одиллов  
“ ” \_\_\_\_\_ 2017 й.

“Тасдиқлайман”  
Қашқадарё вилоят бўлими  
ижрочи директори  
  
У.Чоршанбиева  
“ ” \_\_\_\_\_ 2017 й.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахмат фидойиси  
Исмат Шукуров хотирасига бағишланган шахмат бўйича халқаро  
рейтингли очик турнири

## Н И З О М И

### I. Умумий қоидалар

1.1. Халқаро рейтингли очик шахмат турнири Қашқадарёлик маърифатпарвар инсон, шахмат фидойиси Исмат Шукуров хотирасини абадийлаштириш, унинг ёш авлодни тарбиялашдаги хизматларини эътироф этиш, Республикада шахмат спортини янада оммалаштириш, иқтидорли ёш шахматчиларнинг маҳоратини ошириш, шахматчиларнинг халқаро рейтинг ва унвонларини ошириш мақсадида ташкил этилади.

### II. Турнир ташкилотчилари ва хомийлари

2.1. Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишга умумий раҳбарлик Қашқадарё вилоят ҳокимлиғи, Ўзбекистон шахмат федерацияси, шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Қашқадарё вилоят бўлими ҳамкорлигида амалга оширилади. Мусобақага “Shax-Polan” Ўзбекистон-Польша қўшма корхонаси хомийлик қилади. Мусобақаларни ўтказиш бевосита ҳакамлар хайъатига юкланади.

### III. Мусобақанинг ўтказилиш тартиби

3.1. Мусобақа икки гуруҳда - “А” ва “В” гуруҳларда ўтказилади.

3.2. Мусобақанинг “А” гуруҳи швецарча тизимда ўтказилиб, 9 турдан иборат бўлади.

3.3. Мусобақада электрон соатлардан фойдаланилади. Ҳар бир иштирокчига ўйин охирига қадар 90 дақиқадан вақт берилади ҳамда ҳар бир юриш учун биринчи юришдан бошлаб 30 сониядан қўшимча вақт белгиланади.



3.4. Мусобақанинг “В” гурухи 9 турдан иборат бўлиб, швецарча тизимда ўтказилади.

3.5. “В” гурухида электрон фойдаланган ҳолда ўтказилиб, Ҳар бир иштирокчига ўйин охирига қадар 90 дақиқадан вақт берилади ҳамда ҳар бир юриш учун биринчи юришдан бошлаб 30 сониядан қўшимча вақт белгиланади.

3.6. Мусобақанинг ҳар бир иштирокчиси шахмат нотациясини билишлари шарт. Шахмат нотациясини билмаган ёки шахмат партиясини ёзишдан бош тортган шахматчилар ўйиндан четлаштирилади.

#### IV. Турнирни ўтказиш вақти ва жойи

4.1. Мусобақалар 2017 йилнинг 6-11 август кунлари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида ўтказилади.

4.2. Мусобақа дастури қуйидагича :

Сана	Вақти	Тадбирлар
6 август	14.00 га қадар	Иштирокчиларни кутиб олиш
	14.00	Қарши шаҳридаги 5-сонли мактабда Исмат Шукуров номидаги шахмат клубининг очилиши
	19.00га қадар	Иштирокчиларни рўйхатга олиш
	19.00	Ҳакамлар хайъати йиғилиши
	19.30	Техник кенгаш мажлиси
7 август	09.00	Турнирнинг очилиши
	09.30	1 тур
	15:30	2 тур
8 август	09.00	3 тур
	15.00	4 тур
9 август	09.00	5 тур
	15.00	6 тур
10 август	09.00	7 тур
	15.00	8 тур
	9.00	9 тур
11 август	14.30	Ёпилиш (тақдирлаш) маросими
	15.00дан	Иштирокчиларни кузатиш

#### V. Мусобақа иштирокчилари

5.1. Мусобақанинг “А” гурухида ФИДЕ рейтинги 1900 ва ундан юқори рейтингга эга шахматчилар иштирок этиши мумкин.

5.2. “А” гурухида қуйидагилар бадалсиз иштирок этиши мумкин:

- Халқаро унвон эгалари: Халқаро Гроссмейстерлар, Халқаро тоифадаги спорт усталари, аёллар ўртасида Халқаро Гроссмейстерлар ва аёллар ўртасида халқаро тоифадаги спорт усталари (GM, WGM, IM, WIM) ва 2400 рейтингдан кам бўлмаган рейтингга эга шахматчилар;

5.3. Иштирокчилар қуйидаги тартибда бадал тўлаш шарти билан иштирок этиш

хукукига эга.

- 2300-2399 рейтингга эга спортчилар – 50 000 сўм;
- 2200-2299 рейтингга эга шахматчилар–75 000 сўм;
- 2100-2199 рейтингга эга шахматчилар-100 000 сўм;
- 2000-2099 рейтингга эга шахматчилар-120 000 сўм;
- 1900-1999 рейтингга эга шахматчилар- 150 000 сўм;

5.4. Мусобаканинг “В” гурухида 1899 ва ундан кам рейтингга эга бўлган шахматчилар иштирок этишлари мумкин.

5.5. “В” гурухнинг барча иштирокчилари учун бадал микдори 100 000 сўм

5.6. Мусобакаларга юкорида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва мусобака бадалини тўлаган спортчилар иштирок этишига рухсат берилади.

#### **VI. Иштирокчиларни рўйхатга олиш ва тўловлар.**

6.1. Мусобака иштирокчиларини рўйхатга олиш 2017 йилнинг 1 августига қадар амалга оширилади.

6.2. Иштирокчилар шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома)ларини, мусобака бадали тўлови тўғрисида банк тўловномасини нусхаларини Ўзбекистон шахмат федерациясининг Қашқадарё вилоят бўлимнинг қуйидаги электрон почтасига юборишлари лозим:

**KRDchess@inbox.ru**

6.3. Мусобака бадаллари жорий йилнинг 1 августига қадар Ўзбекистон шахмат федерациясининг Қашқадарё вилоят бўлимнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим:

**АТБ Савдогарбанк, Қашқадарё вилояти филиали.**

**Ҳисоб рақами: 2020 8000 4041 1637 2001**

**ИНН 203599513**

**МФО 00154**

#### **VII. Яшаш ва овқатланиш шароити**

7.1. Ташкилий кўмита томонидан халқаро гроссмейстерларнинг овқатланиш ва йўл харажатлари копланди. Халқаро Гроссмейстерлар таркиби ташкилий кўмита томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

#### **VIII. Мукофот жамғармаси**

8.1. Мусобаканинг “А” гурухи учун мукофот жамғармаси 45 000 000 сўмни ташкил этади.

8.2. Мусобаканинг “В” гурухи учун мукофот жамғармаси 9 000 000 сўмни ташкил этади.

#### **IX. Турнир ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш**

9.1. Турнир ғолиблари ва совриндорлари тўплаган очколарига қараб аниқланади. Агар очколари сони тенг бўлса, у ҳолда кўшимча кўрсаткичлар инобатга олинади.

Мусобаканинг “А” гурухида қуйидаги кўшимча кўрсаткичлар инобатга олинади:

- 1) Шахсий учрашув;
- 2) Перформанс;
- 3) Галабалар сони;
- 4) “Бухгольц” коэффициенти.

Мусобаканинг “В” гурухида қуйидаги кўшимча кўрсаткичлар инобатга олинади:

- 1) Шахсий учрашув
- 2) Қискартирилган Бухгольц.
- 3) “Бухгольц” коэффициенти.

9.2. Ғолиблар хомийлар томонидан пул мукофотлари, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

9.3. Мусобаканинг “А” гурухи учун пул мукофотлари қуйидаги тартибда белгиланади:

1-ўрин	8 000 000 сўм
2-ўрин	7 200 000 сўм
3-ўрин	6 400 000 сўм
4-ўрин	5 600 000 сўм
5-ўрин	4 800 000 сўм
6-ўрин	4 000 000 сўм
7-ўрин	3 200 000 сўм
8-ўрин	2 400 000 сўм
9-ўрин	1 600 000 сўм
10-ўрин	800 000 сўм
Аёллар ўртасида 1-ўрин	1 000 000 сўм

9.4. Мусобаканинг “В” гурухи учун пул мукофотлари қуйидаги тартибда белгиланади.

1-ўрин	1 200 000 сўм
2-ўрин	1 000 000 сўм
3-ўрин	950 000 сўм
4-ўрин	900 000 сўм
5-ўрин	800 000 сўм
6-ўрин	700 000 сўм
7-ўрин	600 000 сўм
8-ўрин	500 000 сўм
9-ўрин	400 000 сўм
10-ўрин	300 000 сўм
11-ўрин	250 000 сўм
12-ўрин	200 000 сўм
Аёллар ўртасида 1-ўрин	200 000 сўм

**Махсус мукофотлар:**

15 ёшгача ўсмирлар ўртасида	200 000 сўм
13 ёшгача ўсмирлар ўртасида	200 000 сўм
11 ёшгача ўсмирлар ўртасида	200 000 сўм
9 ёшгача ўсмирлар ўртасида	200 000 сўм
7 ёшгача ўсмирлар ўртасида	200 000 сўм

9.5. Иштирокичиларда очколар сони тенг бўлганда пул мукофотлари бўлинмайди ва юқорида келтирилган қўшимча кўрсаткичларга мувофиқ тақсимланади. Ҳар бир иштирокчи фақат битта номинациядаги пул мукофотини олиши мумкин.

9.6. Мусобақа хомийлари ва ташкилотчилари томонидан иштирокчилар қўшимча совға ва мукофотлар билан тақдирланишлари мумкин.

## **Х. Апелляция қўмитаси**

**10.1.** Мусобақа натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун камида 5 кишидан иборат апелляция қўмитаси ташкил этилади.

**10.2.** Апелляция қўмитаси таркиби ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

**10.3.** Апелляцияга бериш тартиби ва апелляция бадали миқдори апелляция қўмитаси томонидан белгиланади ва мусобақа бошланишидан олдин иштирокчиларни таништирилади.

**10.4.** Мусобақа ҳакамларидан ва уларнинг қабул қилинган қарорлардан норози бўлган иштирокчилар мусобақа жараёнида апелляция қўмитасига мурожаат қилишлари мумкин.

## **XI. Маълумот ва мурожаат учун:**

**Телефон алоқаси:**

+998912218800

+998909442100

+998909904349

+998909772240

**Ижрочи:** Чоршанбиева Умида

**Электрон почта:** [KRDchess@inbox.ru](mailto:KRDchess@inbox.ru)

**Сайт:** [uzchess.uz](http://uzchess.uz)